

Италияning Ўзбекистондаги әлчиси: Италия Ўзбекистоннинг Европадаги учинчи энг йирик савдо ҳамкори



29-май куни Рим шаҳрида “Ўзбекистон ва Италия: ҳамкорликнинг янги қирралари” мавзусида “давра сұхбати” бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Италия халқаро ташкилотлар жамияти томонидан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда Италия ТИВ, турли давлат идоралари, етакчи компаниялари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Италияning Тошкентдаги әлчиси Агостино Пинна тадбирда сўзга чиқиб, 2017 йилдан Ўзбекистонда изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Эксперт янги конституциявий ислоҳот бозор иқтисодиёти учун янада мустаҳкам пойдевор яратиб, тадбиркорлик фаолиятининг асосий эркинликлари ва кафолатлари мустаҳкамланаётгани, хусусий мулк ҳимояси кучайтирилаётганини алоҳида қайд этди.

Элчининг сўzlарига кўра, “Италия-Ўзбекистон муносабатлари айнан шундай жадал ва изчил ривожланаётган парадигмада гуллаб-яшнамоқда. Шундай қилиб, 2022 йил якунига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 32 фоизга ўсиб, 535,4 миллион еврога етди ва бу Италияни Ўзбекистоннинг Европадаги учинчи йирик савдо ҳамкорига айлантириди”.

Италия бизнесининг Ўзбекистон бозорига қизиқиши ўзаро характерга эга бўлиб, давомли ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Кейинги йилларда республикада Италия капитали иштирокида кончилик, металлургия, нефть-кимё ва электротехника саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби янги соҳаларни қамраб олган корхоналар сони икки баробарга ошди. Натижада, сўнгги тўрт йил ичida ўзлаштирилган Италия инвестициялари ҳажми етти баравар кўпайиб, 7,1 миллион доллардан 49,6 миллион долларга етди.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Элдор Арипов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Римда расмий ташриф билан бўлиб турибди.